



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

18 ЖИЛД, 2/3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 18, НОМЕР 2/3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 18, ISSUE 2/3



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№2/3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-2/3>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altwessi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farxod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govverjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Boymurodov Botir Panji o'g'li</b> NORMA IJODKORLIGI JARAYONIDA FUQAROLAR ISHTIROKI TASNIFI.....	5
<b>2. Khurramova Adolat Bakhodir kizi</b> EXPERIMENTAL LEGAL REGIMES IN THE DIGITALIZATION OF LAW.....	13
<b>3. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li</b> XORIJIIY MAMLAKATLARDA ISLOM MOLIYA HUQUQIGA DOIR QONUNCHILIK EVOLUTSIYASI.....	18
<b>4. Абдуллаев Джамшид Джамилович</b> МЕДИЦИНСКАЯ ПОМОЩЬ И МЕДИЦИНСКИЕ УСЛУГИ: ПРАВОВЫЕ РАЗЛИЧИЯ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ.....	25
<b>5. Алимарданова Ирода Воҳид қизи</b> ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН АСАРЛАРДАН ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШ.....	32
<b>6. Зокиров Шерзод Илхом ўғли</b> ПРОКУРОР – МУХТАСИБНИНГ ПРОТОТИПИ СИФАТИДА (ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ МИСОЛИДА).....	39
<b>7. Abzalova Khurshida Mirziyatovna</b> TIME OF COMMITTING A CRIME AND THE RETROACTIVE EFFECT OF THE LAW IN THE CRIMINAL LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	47
<b>8. Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф ўғли</b> АЙРИМ МАСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ОБЪЕКТИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	53
<b>9. Kurbanov Ma'rufjon Mamadaminovich</b> BA'ZI XORIJIIY MAMLAKATLAR JINOYAT QONUNCHILIGIDA RETSIDIV JINOYATLAR UCHUN JAVOBGARLIKNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	60
<b>10. Shamsidinov Zayniddin Ziyovidinovich</b> CRIMINAL AND LEGAL CHARACTERISTICS OF RECEIVING A BRIBE IN FOREIGN LEGISLATION.....	72
<b>11. Суннатов Воҳид Тошмуродович</b> МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	79
<b>12. Баракайев Лазизжон Отақулович</b> ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ.....	86




**12.00.07-СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА**

**Зокиров Шерзод Илхом ўғли,**  
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: shizokirov@mail.ru

**ПРОКУРОР – МУХТАСИБНИНГ ПРОТОТИПИ СИФАТИДА (ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ МИСОЛИДА)**

**For citation:** Zokirov Sherzod Ilkhom ogli. PROSECUTOR - AS A PROTOTYPE OF MUKHTASIB (USING THE EXAMPLE OF WORKING WITH CITIZEN’S APPEALS). Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 2/3, pp. 39-46

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14950660>

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада ўрта асрларда мухтасиб лавозимининг пайдо бўлиши, унинг қандай вазибаларни бажаргани, ваколатларининг кенгайиб бориши, умуман олганда, мухтасиблик эволюцияси тадқиқ этилган. Мақолада мухтасиблик институтининг келиб чиқиш тарихига оид бир қатор фактлар олимларнинг илмий қарашлари орқали таҳлил қилинган. Ўрта асрларда мавжуд бўлган мухтасиблик институти бугунги кун билан қиёслаганда прокурорга мос келиши бўлиши илмий фаразлар илгари сурилган. Мақолада келтирилган фикрлар, ўрганилган илмий манбалар, олимларнинг бу борада олиб борган тадқиқотларига таянган ҳолда хулосалар қилинган.

**Калит сўзлар:** мухтасиб, прокурор, мурожаат, назорат, ваколат, вазифа, жазо, дин ва ахлоқ, омбудсман.

**Зокиров Шерзод Илхом ўғли,**  
Доктор философии (PhD) по юридическим наукам  
E-mail: shizokirov@mail.ru

**ПРОКУРОР – КАК ПРОТОТИП МУХТАСИБА (НА ПРИМЕРЕ РАБОТЫ С ОБРАЩЕНИЯМИ ГРАЖДАН)**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье исследуется возникновение должности мухтасиба в Средние века, какие задачи она выполняла, расширение ее полномочий, в целом эволюция мухтасиба. В статье анализируется ряд фактов об истории возникновения института мухтасиба через призму научных взглядов ученых. Были выдвинуты научные гипотезы о том, что институт мухтасиба, существовавший в средние века, соответствовал бы прокуратуре при сравнении с

сегодняшним днем. Выводы были сделаны на основе мнений, представленных в статье, изученных научных источников, исследований, проведенных учеными в связи с этим.

**Ключевые слова:** мухтасиб, прокурор, обращения, надзор, полномочия, задание, наказание, религия и мораль, омбудсмен.

**Zokirov Sherzod Ikhom ogli,**  
 Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
 E-mail: shizokirov@mail.ru

## PROSECUTOR - AS A PROTOTYPE OF MUKHTASIB (USING THE EXAMPLE OF WORKING WITH CITIZEN'S APPEALS)

### ANNOTATION

This article examines the emergence, tasks, and evolution of the position of the mukhtasib during the Middle Ages. It analyzes historical facts about the mukhtasib institution through the lens of scientific interpretations. The author proposes a hypothesis that the medieval mukhtasib could be compared to the modern-day prosecutor's office. The article draws conclusions based on the presented opinions, scientific sources, and research conducted by scholars.

**Keywords:** mukhtasib, prosecutor, appeals, supervision, powers, assignments, punishment, religion and morality, ombudsman.

Прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлашнинг тарихи инсон ҳуқуқлари, қонунийлик ва адолатни таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ўрганилиши жуда муҳимдир. Бу тарих ҳуқуқ-тартибот идоралари қандай шаклланганини, уларнинг аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда қандай рол ўйнаганини ва бу жараёнларда қандай ютуқлар ёки камчиликлар бўлганини тушунишга ёрдам беради.

Дунёга машҳур тарихчи ва файласуф Марк Блок шундай дейди [26]: “Тарих – бу бугунги тушуниш учун ўтмишни ўрганишдир”. Прокуратура органларининг мурожаатлар билан ишлаш тарихи айнан бугунги тизимни яхшилашда бебаҳо манба бўлиши мумкин. Мисол учун, мурожаатлар билан ишлаш жараёнида қонунчиликдаги бўшлиқларни ёки амалга оширилган ижобий ислоҳотларни ўрганиш орқали прокуратура органларининг ушбу фаолиятдаги самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Бундан ташқари, тарихни ўрганиш жамият учун ишончли мустаҳкамлайди. Чунки мурожаатлар билан ишлашнинг самарали механизмини шакллантириш фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланганлигига бўлган ишончини оширади. Шу сабабли, прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш тарихини ўрганиш фақат назарий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур” [25] деб тарихни чуқур ўрганишга алоҳида урғу берганлиги ҳам ушбу мавзунинг генезисини ўрганиш долзарб вазифа эканлигини англатади.

Мухтасиб институтини тадқиқ этган баъзи олимлар бу лавозим дин билан боғлиқлигини, ушбу лавозим эгалари ўз вазифаларини динга оид нормаларга бўйсунган ҳолда амалга оширганликларини ҳамда жазо чораларини ҳам айнан диний нуқтаи назардан келиб чиқиб қўллаганликларини қайд этиб ўтганлар. Мухтасиб – бу чекланган маънода ўрта аср Исломи дунёсидаги шаҳарларнинг ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим институтлардан бирига айланган.

Бир гуруҳ олимлар М.Махбубов [1] ва О.Мадалиевларнинг [2, Б.67] таъкидлашича, XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар Ўзбекистон давлатчилиги тарихида прокуратура органи ёки прокурор лавозими жорий этилмаган бўлса-да, мусулмон ҳуқуқида шариат нормаларининг бажарилишини назорат қилувчи махсус лавозим ва ушбу вазифани амалга оширувчи шахслар бўлган.

Хуқуқшунос олим О.Мадалиевнинг қайд этишича [2, Б.68], VII асрдаёқ инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга асосланган тизим вужудга келган. Ҳалифа Умар (р.а.) томонидан инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкый, оила ва никоҳга оид ҳуқуқларни тартибга солувчи ҳамда шикоятларни қабул қилиш ва низоларни ҳал қилиш учун **мухтасиб** лавозими жорий этилган. Мухтасибга оид манбаларни ўрганиш давомида шу аён бўладики, эрамиздан аввалги даврларда ҳам “**агораномус**” номи билан аталган “**бозор назоратчиси**” мансаби мавжуд бўлган ва бу лавозим эгалари ўзида айнан мухтасибнинг вазифа ва функцияларини бирлаштирган [3]. Бу эса, мухтасиб лавозимининг **бир неча минг йиллик тарихга** эгаллиги билан характерланади.

Мухтасибнинг энг асосий вазифаси нима тўғри ва яхши бўлса, ўша ишни қилишга, аксинча, ёмон ишни қилишдан қайтариш ёхуд ундай ишни қилишни тақиқлаш бўлган. Мухтасиблар фуқароларнинг бозор ишларига оид мурожаатлари ва низоларини адолат ва тенглик тамойилларига асосланган ҳолда кўриб чиққанлар. Мухтасиблар урф-одатларга, қонунларга амал қилинишини, никоҳ ва оталикка оид ишларни кўриб чиқиш учун ҳам бевосита маъсул бўлганлар. Улар ўз вазифаларини шариат нормаларига биноан бажарганлар.

Мухтасиб институтининг пайдо бўлиши Ҳалифа Умар (р.а.) ҳукмронлиги даври билан боғлиқлиги бир қатор олимлар, хусусан, Д.Готтерер [6], К.Раджабов ва Б.Кандовлар [7] томонидан ҳам таъкидланган. Олимларнинг фикрича, мухтасибнинг асосий вазифаси бозорлардаги олди-сотди муносабатларида вужудга келган низоли вазиятларда фуқароларнинг шикоятларини қабул қилиш, низолашаётган томонларнинг масаласини адолатли ҳал қилиш ҳамда яхшиликка ундаш ва ёмонликдан қайтариш бўлган [8].

Бошқа бир гуруҳ олимлар, жумладан, академик И.Б.Бўриев [5], профессор Г.Р.Маликова [4], хуқуқшунос олим Ш.Зокиров [27] ва бу институтни кенг тадқиқ этган хорижий олимлардан Б.Р.Фостер [3] мухтасиб лавозими, биринчи бор Муҳаммад (с.а.в) пайғамбар томонидан Мадина шаҳридаги бозорларда назоратни амалга ошириш билан шуғулланиш мақсадида жорий этилганлиги ва бу лавозимга биринчи бор Сайид ибн Ос ибн Умай тайинланганлигини қайд этганлар.

Академик И.Б.Бўриев, профессор Г.Р.Маликова, Ш.Зокиров ва Б.Р.Фостерлар мухтасиб лавозими, биринчи бор Муҳаммад (с.а.в) пайғамбар даврларида қуйидаги воқеа сабаб таъсис этилганлигини келтирганлар:

Бир куни Расулulloҳ (с.а.в) Мадина шаҳри бозорларидан бирига борганларида, чиройли коса ва унинг ичидаги буғдойни кўрганлар. Қўлларини косанинг ичига тикиб, унинг ичидан бир ҳовуч чириган буғдойни чиқариб сотувчидан сўраганлар:

- Бу нима?

- Сотувчи “ёмғир туфайли шундай бўлди” деб жавоб беради.

“Пайғамбар алайҳиссалом яна сўрадилар: “Нима учун косанинг устига энг яхши буғдой намуналарини унинг ичига эса, ёмонларни беркитиб қўйдингиз? Мусулмонлар орасида ҳеч қандай ёлғон бўлмаслиги керак. Ким мусулмон биродарини алдаса, у мусулмон эмас” деб айтдилар.

Бу воқеадан сўнг Расулulloҳ (с.а.в) дарҳол Мадина бозорига масъул назоратчи (мухтасиб)ни тайинладилар. Макка фатҳидан сўнг эса, Пайғамбар (с.а.в) Сайид ибн Ос ибн Умайни бу шаҳарнинг мухтасиби (нозири) этиб тайинлаганлар.

Мухтасиб институтини кенг тадқиқ этган олимлар М.Н.Сокит [9], И.Б.Бўриев, А.А.Ислаҳий [11], Г.Р.Маликовалар томонидан мухтасиб институтининг пайдо бўлиш тарихига оид келтирилган асосли далиллар ва мухтасибга доир тарихий материаллардан келиб чиққан ҳолда, ушбу институтнинг пайдо бўлиши ҳалифа Умар (р.а) даврида эмас, балки Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар даврида вужудга келган, деган хулосага келиш мумкин.

Нега айнан мухтасиб лавозимига урғу берилмоқда? Фикримизни қуйидагилар билан изоҳлаймиз:

**Биринчидан**, мухтасиб институти ўзбек олимлари орасида етарлича ўрганилмаган. Ушбу институтнинг пайдо бўлиши, унинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи тўлиқ тадқиқ этилмаганлиги;

**иккинчидан**, мухтасиб институтини тадқиқ қилган олимлар орасида мазкур лавозим ҳозирги кундаги қайси орган ёки лавозимга тўғри келиши тўғрисида яқдил фикрлар мавжуд эмаслиги;

**учинчидан**, мазкур институтнинг назорат функциясини амалга оширганлиги муносабати билан унинг тарихий келиб чиқиш динамикасини прокуратура органлари мисолида ўрганишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Чет эл олимларидан Я.Клайн мухтасиб, бу чекланган маънода ўрта аср Ислон дунёсидаги шаҳарларнинг ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим институтлардан бирига айланганлиги ва ўша вақтлардаги саҳобалар ичида шижоат, одиллик, ҳақгўйлик, ихлос, итоатгўйлик, омонатдорлик, тақво, масъулиятлилик каби олий сифатлар [12] билан танилган ҳалифа Умар (р.а.) ҳам мухтасиб лавозимини эгаллаганликлари тўғрисидаги маълумотларни ёзиб қолдирган [13].

Мухтасибларга жосуслик қилиб, бировларни пойлаб иш кўришга рухсат берилмаган. Агар у ошқора жиноят қилинганини кўрса, унга қарши ҳаракат қилиши мумкин ва ҳатто бунга мажбур бўлган. Лекин, у жамоат олдида содир этилмаган ҳар қандай жиноятни тергов қилишга ёки текширишга ҳаққи бўлмаган. Ушбу чеклов фақат бир нечта истисноларга эга бўлиб, унда мухтасиблар ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган шахсларни айблашга ёхуд уларни жазолаш учун ҳуқуқ берилган. Мисол учун, агар у ишончли манбадан қотиллик ёки ноқонуний жинсий алоқа (зино) каби жиноят содир этилаётганлигини билса, унга бу борада жазо чораларини қўллаш мумкин бўлган [14].

Мухтасиблар томонидан вояга этмаган озод мусулмон шахс Куръони каримда таъқиқланган ичимлик (хамр) истеъмол қилганликлари учун қўлланган жазо чораларидан бири сифатида 40 даррадан 80 даррагача урганликлари манбаларда қайд этилган [15].

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, мухтасиблар балоғатга етмаган болаларнинг тўғри йўлда юришлари, уларнинг тарбияси бузилмаслиги, келажакда етук шахс бўлиб вояга етиши учун уларга нисбатан шундай оғирроқ жазо чоралари ҳам қўллаганлар.

Ҳалифа Умар (р.а.) мухтасиблик қилган даврларида сутни сув билан аралаштириб, харидорларни алдаб сотаётган савдогарнинг идишини синдиргани ҳамда Рашид ат-Тақафийнинг уйини ҳам ёқиб юборгани, чунки ушбу уй спиртли ичимликлар сотиш учун мўлжаллангани манбаларда келтирилган [16].

Чет эл олими М.Кукнинг қайд этишича, ҳалифа Умар (р.а.)дан кейин мухтасиб лавозимига Саиб ибн Язид исмли шахс ҳамда 2 нафар аёл (баъзи манбаларда Муҳаммад (с.а.в) даврларида аёл кишилар ҳам мухтасиб бўлганликлари қайд этилган [10]) ал-Шифои ва Самро бинти Нуҳики Асади тайинланганлар [17]. Бундай маълумот, мухтасиб институтини чуқур ўрганган малайзиялик олимларнинг тадқиқотларида ҳам учрайди [10]. Бу эса, VII асрдаёқ ҳозирги кундаги прокурор лавозимини ўзида мужассамлаштирган мухтасибликка аёл кишилар (дастлабки аёл прокурорлар) тайинланганлигидан дарак беради.

Мухтасиб лавозими Аббосийлар сулоласи ҳалифалари даврида ўзининг ривожланиш босқичини давом эттирган. Иккинчи Аббосий ҳалифа, Бағдод шаҳрининг асосчиси Абужафар Мансур Бағдод шаҳрида кўплаб бозорлар куриб, ушбу бозорларда тартиб ўрнатиш учун “мухтасиб”ларни тайинлаган [18].

Бу даврда бозорларда тартиб-интизом ва назоратни таъминлаш мухтасибларнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланган.

Мухтасиб институтини ўрганиш давомида бир гуруҳ олимлар мухтасиб Омбудсман институтининг прототипи эканлигини таъкидлашлари аниқланди [19].

Хусусан, рус олими А.В.Логинов “Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунийлигини назорат қилувчи махсус мансабдор шахс сифатида ҳаракат қилган ҳамда монарх ва парламент ваколатларини тенглаштириш учун жорий этилганлигини таъкидласа, миллий олимларимиздан Н.Кўчимов “мухтасиблар ва унинг ёрдамчилари томонидан ўғриларнинг ҳибсга олиниши ва уларнинг ҳибсга олиниш фактини даъво қилиш – бугунги кун билан солиштириганда омбудсманнинг вазифасига тўғри келишини таъкидлаб ўтган.

Бошқа бир олим Г.Р.Маликова мухтасиб институти бевосита ҳозирги кундаги прокурор лавозимини ўзида мужассамлаштирган, унинг “қондош укаси” эканлигини таъкидлайди [4].

Мухтасиб институтини ўрганиш давомида у тўғрисида тўпланган маълумотлар ва тарихий материалларга таянган ҳолда, профессор Г.Р.Маликова томонидан билдирилган фикрларга қўшиламиз. Зеро, мухтасиб лавозимини эгаллаш учун шахсларга қонун ва шариат нормаларини яхши билиш, юзага келган низоли вазиятларни шариат қоидаларидан келиб чиқиб адолатли ҳал қилиш, ҳалол ва инсофли бўлиш каби юқори сифатларга эга бўлиш талаб этилганлиги ҳамда мухтасиблар назоратни амалга оширувчи лавозим ҳисобланганлиги учун ҳам ўзида ҳозирги кундаги прокурор ваколатларини ифода этган.

Юқоридаги фикримизни асослаган ҳолда яна шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида белгиланган прокуратура органларининг вазифаларидан бири айнан қонун устуворлигини таъминлаш эканлигини ҳисобга олганда ҳам **мухтасиб институти бевосита прокурор бажарадиган вазифага мослиги**, яъни, айнан **прокурор – мухтасибнинг прототипи** эканлиги ўз аксини топади.

Тарихий адабиётларда мухтасибни, одатда, давлат бошлиғи (хукмдор) ёки маҳаллий ҳокимият бошлиғи тайинлаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Асрлар давомида мухтасиб лавозимини эгаллаш учун шахсларга қўйилган талаблар ишлаб чиқилган бўлиб, улар куйидагилардан иборат бўлган:

**биринчидан**, энг аввало, мусулмон бўлиш;

**иккинчидан**, таклиф, яъни, вояга етганлик;

**учинчидан**, тавон – ушбу лавозимни эгаллагандан сўнг, унинг вазифаларини бажара олиш имкониятига эга бўлиш (бу ерда соғлом бўлиш назарда тутилган – муаллиф таҳрири);

**тўртинчидан**, адолатли бўлиш;

**бешинчидан**, соҳибрўй – шариат ва ҳуқуқ илмини яхши билиш.

Олимлар орасида мухтасиб лавозимини эгаллаш учун қўйилган талаблар ичида мухтасибнинг адолатли бўлиши лозимлиги тўғрисидаги талаб шарт эмаслиги ҳақида бир қатор фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Жумладан, Ғаззолийнинг таъкидлашича, адолатли шахсни топиш жуда қийин, адолат эса, мухтасибнинг ишини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкинлигини, шу сабабли, бу лавозимга тайинлашда адолатли бўлиш талабини қўйиш шарт эмаслигини келтириб ўтган [20].

Бошқа бир чет эл олими Грюнебаумнинг фикрича эса, жамият аъзоларининг маънавий ва диний вазифаларини назорат қилувчи мухтасибларга алоҳида талаблар қўйилганлиги, мухтасиблар ўзининг ахлоқий ва диний бурчига мувофиқ ҳаракат қилувчи юксак адолат соҳибни бўлиши кераклигини қайд этган [21].

Юқоридаги келтирилган фикрларга нисбатан шуни айтишимиз мумкинки, мухтасиб лавозимининг энг асосий устунларидан, унинг ишини кўрсатиб берувчи **асосий фактор** айнан унинг адолатли бўлиши кераклигидадир. Зеро, адолатли шахсни топиш жуда қийинлиги учун мухтасибни лавозимга тайинлаётганда унинг адолатли бўлиши талаб этилмаса, мазкур институтнинг мавжудлик моҳияти ўз аҳамиятини йўқотади.

Шу туфайли, ўрта асрларда мухтасибликка номзодлар учун қўйилган талаблар ичида адолатли бўлиш кераклиги тўғрисидаги фикрларни тўғри деб ҳисоблаб, олим Грюнебаумнинг фикрларига қўшиламиз.

Мухтасибларнинг ваколат доираси кенгайиб, улар барча давлат амалдорлари ва давлат ишларига аралаштирилган мумкин бўлган. Улар фаолиятини замонавий давлат органлари фаолияти билан солиштирсак, мухтасибларнинг кенг ваколатларга эга эканлиги яққол намоён бўлади.

Шунинг учун бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлардан бири Ш.А.Наср мухтасиб ваколатларини:

- умумий;

- дин ва ахлоқ соҳасидаги;

- ижтимоий-иқтисодий соҳага оид;

- маъмурий ҳамда судловга доир ваколатларга ажратган [22].

Бундан кўринадики, мухтасиб ўз ишини юқори даражада бажариши билан ажралиб турганлиги ҳамда кенг ваколатларга эга лавозим эканлигини қайд этиш даркор.

Мухтасибнинг ваколатларини таҳлил қилиш, ўрта аср ва ҳозирги замон олимларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, мухтасиб институти ислом тарихида катта салтанат курган давлатларда давлат ҳокимиятининг асоси бўлган, деган хулосага келинди.

Мухтасиблар бажарадиган функцияларни ўрганиш давомида шу аниқ бўладики, улар фаолиятида бозордаги нарх-наволарни назорат қилиш жуда муҳим ҳисобланган. Хаттоки, кўпгина шаҳарлардаги мухтасибларга тегишли бўлган хоналар деворларида товарлар, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари рўйхати (прейскурантлар – муаллиф таҳрири) илиб қўйилган. Маҳсулотларни белгиланган нархлардан қиммат сотиш мумкин бўлмаган. Рус олими И.П.Петрушевский мухтасиблар барча мусулмон давлатларидаги бозорларда сотилаётган маҳсулотлар учун нархларни белгилаган, фақатгина Эрон давлатида фаолият олиб борувчи мухтасиблар бундай ваколатга эга бўлмаганликларини қайд этган [23]. Бундан ташқари, мухтасибнинг вазифалари қаторига аҳолини бирламчи зарурий товарлар билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш ҳам кирган.

Бозорлардаги нарх-наволарнинг белгиланган талабларга мослиги, тарозиларнинг тўғрилигини текширишда мухтасибларга ёрдам берувчилар – орифлар дейилган [24]. Миллий олимларимиздан И.Бўриев эса, мухтасибнинг ёрдамчилари “нойиб” ҳам дейилганлигини таъкидлаган [5]. Мухтасиблар бозорларда назорат ўрнатиш ишларини амалга оширишларида, биринчи навбатда, тарозиларнинг тўғрилиги, савдогарларнинг сотиб олувчиларни алдамасликлари, харидорларга сифатили товар сотишларига, ва, албатта, инсон ҳуқуқларини бузилмаслигига катта эътибор берган. Сабаби, ўрта асрларда ҳам тош-тарозидан уриб қолиш, сифатсиз товар сотиш, харидорларни алдаш ҳолатлари учраб турган. Бундай ҳолатларга сут сотувчиларнинг сутга сув аралаштириб сотишлари, хушбўй хидли атир сотувчилар атирларга арзон маҳсулотлар солиб, қиммат нархда сотишлари каби мисолларни келтиришимиз мумкин.

Ўрта асрларда кенг ваколатларга эга бўлган мухтасиб жазони ўзбошимчалик билан тайинлай олмаган ва уни ижросини ҳам амалга ошира олмаган. Шариат нормаларига зид қилмиш содир этган шахсларга нисбатан мухтасиблар мухтасиблар қуйидаги жазоларни қўллаган:

- 1) тушунтириш ва огоҳлантириш;
- 2) жазоланувчиларга таълим бериш ва уларни кўрқитиш билан тийилиш;
- 3) қаттиқ ва қўпол муомала қилиш, лекин унга қайта ёмон иш қилмаслиги учун қасам ичтирмаслик;
- 4) айбдорга нисбатан жарима тайинлаш.

Ўрта асрларда мухтасиблар томонидан тайинланган барча жазоларни таҳлил қилиш давомида ушбу жазолар огоҳлантириш ва танбеҳ бериш ҳамда жарима кабилардан иборат бўлган.

Юқорида келтирилган фикрлар, олимлар томонидан илгари сурилган ғоя ва қарашларни, турли тарихий фактларнинг ретроспектив таҳлили бўйича қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

**биринчидан**, мухтасибга оид ўрганилган манбаларнинг таҳлили ушбу институт бир неча минг йиллик тарихга эгалиги, эрамиздан аввалги даврларда ҳам “агораномус” номи билан аталган “бозор назоратчиси” мансаби мавжуд бўлиб, бу лавозим айнан мухтасибнинг вазифа ва функцияларини ўзида бирлаштирганлиги билан характерланади;

**иккинчидан**, мухтасиб ўрта асрларда жамиятда адолатни ўрнатувчи назорат органи ҳисобланган;

**учинчидан**, VII асрдаёқ ҳозирги кундаги прокурор лавозимини ўзида мужассамлаштирган мухтасибликка аёл кишилар (дастлабки аёл прокурорлар) тайинланган;

**тўртинчидан**, ўрта асрларда мухтасиб лавозимини эгаллаш учун шахслардан қонун ва шариат нормаларини яхши билиши, юзага келган низоли вазиятларни шариат қоидаларидан келиб чиқиб адолатли ҳал қилиши, ҳалол ва инсофли бўлиши каби юқори сифатларга эга бўлиш талаб этилган;

**бешинчидан**, мухтасиб ҳозирги кун билан солиштирганда омбудсман эмас, балки айнан прокурор бажарадиган вазифа ва функцияларга мос келиши, яъни, ўрта асрлардаги мухтасиб лавозими – прокурорнинг прототиби ҳисобланади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларини ташкил этилиши ва ривожланиши. ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент. 1993. – Б.24. (Makhbubov M. Organization and development of prosecutor's offices in Uzbekistan. dissertation written for the degree of Doctor of Legal Sciences – Tashkent. 1993. – B.24.);
2. О.М. Мадалиев. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.67 (O.M. Madaliyev. Prosecutorial supervision. Textbook. General part. – T.: TSIL publishing, 2009. – B.67)
3. Foster, B. R. “Agoronomos and Muhtasib” Journal of the Economic and Social History of the Orient №13, 1970, p.p. 128-144.
4. Маликова Г. Р. Генезис прокуратуры Республики Узбекистан: «Восток — дело тонкое» // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2020. № 4. С. 85. (Malikova G. R. Genesis of the Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan: “The East is a delicate matter” // Journal of Foreign Legislation and Comparative Jurisprudence. 2020. No. 4. p. 85.)
5. Буриев И.Б. Контроль за должным поведением и институт мухтасиба в средневековой государственности таджиков // Труды Института государства и права Российской академии наук. 2009. № 4. С. 141. (Buriyev I.B. Control over proper behavior and the Mukhtasib institute in the medieval Tajik statehood // Proceedings of the Institute of State and Law of the Russian Academy of Sciences. 2009. No. 4. p. 141.)
6. Готтерер Д. Омбудсман ҳақида // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 1-сон, 27-б (Gotterer D. About the Ombudsman // Democratization and Human Rights. 1999, No. 1, p. 27)
7. Раджабов К., Кандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. Ташкент, 2015. С. 102. (Radjabov K., Kandov B. Dynasties and states in world history. Tashkent, 2015. p.102.)
8. [http://el.tfi.uz/images/Abdullaev\\_MM\\_uz\\_7394b.pdf](http://el.tfi.uz/images/Abdullaev_MM_uz_7394b.pdf)
9. Соқит М. Н. Институты правосудия в исламе. Тегеран, 1925 г. х. С. 300 (Sokit M. N. Institutions of justice in Islam. Tehran, 1925 H. C. 300)
10. Mohd Ab Malek Md Shah, Mohd Harun Shahudin, Sulaiman Mahzan & Siti Fairuz Nurr Sadikan. The institution of hisbah: a whither. 5th South East Asia International Islamic Philanthropy Conference 2017 (5th SEAIPC 2017), 14-16 February 2017. P.25
11. Abdul Azim Islahi “Works on market supervision and Shariah governance (al-hisbah wa al-siyasah al shari'yah) by sixteenth century scholars” Islamic Economic Research Centre, Jeddah, 2006. – P.8
12. <https://minor.uz/hazrat-umar-roziyallohu-anhu/>
13. Yaron Klein. Between Public and Private: An Examination of Hisba Literature. Harvard Middle Eastern and Islamic Review 7 (2006), 41–62
14. Abū Ḥāmid al-Ghazālī, Iḥyā' 'ulūm al-dīn, vol. 2 (Aleppo: Dār al-Wāfī, 1998), p. 323.
15. Ronald P. Buckley, The Book of the Islamic Market Inspector = Nihāyat al-rutba fī ṭalab al-ḥisba (The Utmost Authority in the Pursuit of Ḥisba), by Abd al-Raḥmān b. Naṣr al-Shayzarī (Oxford: Oxford University Press, 1999), p. 13.
16. Ibnu Taimiya, Public Duties in Islam, Eng. tr. By Muhtar Holland, (Islamic Foundation, Leicester, 1982). P.p. 136-138.
17. Michael Cook, Commanding Right and Forbidding Wrong in Islamic Thought (Cambridge: Cambridge University Press, 2000), pp. 82, 480.
18. Соқит М. Н. Институты правосудия в исламе. Тегеран, 1825 г. – С.302 (Sokit M. N. Institutions of justice in Islam. Tehran, 1825 – p.302)
19. Логинов А. В. Становление института уполномоченного по правам человека (омбудсмана) в Республике Абхазия и в Российской Федерации // International Law Journal. 2019. № 3. С.

- 117—124; Гасанли Азер Абдул-Али оглы. Мухтасибская институциональная система как версия совершенной организации правозащитной системы омбудсманского рода // Политика и общество. 2009. № 1. С. 54-59; Кучимов Н. Должность «мухтасиб» в истории государств Востока и ее влияние на формирование института омбудсмана // Единый всероссийский научный вестник. II. 2016. С. 25—28. (Loginov A.V. The formation of the institution of the Commissioner for Human Rights (Ombudsman) in the Republic of Abkhazia and in the Russian Federation // International Law Journal. 2019. No. 3. pp. 117-124; Hasanli Azer Abdul-Ali oglu. Mukhtasib institutional system as a version of the perfect organization of the human rights system of the ombudsman kind // Politics and Society. 2009. No. 1. pp. 54-59; Kuchimov N. The position of “mukhtasib” in the history of the states of the East and its influence on the formation of the Ombudsman institute // Unified All-Russian Scientific Bulletin. II. 2016. pp. 25-28)
20. Газзоли. Ихйа улум ад-дин. Тегеран, 1992. Т. 2. С. 312 (Gozzoli. Ikhyā ulum al-din. Tehran, 1992. Vol. 2. p. 312)
21. Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. Очерк истории (600–1258) / Пер. с англ. И.М. Дижур. М., 1986. С. 95. (Grunebaum G.E. Classical Islam. An essay on history (600-1258) / Translated from English by I.M. Dijura. M., 1986. p. 95.)
22. Шизари Абдурахмон Наср. Китоб нихоят ал-рутба фи талаб ал-хисба. Кохира, 1365х/1936. С. 9–10. (Shizari Abdurakhmon Nasr. Kitob nihayat al-qutb fi talab al-hisba. Kair, 1365x/1936. pp. 9-10.)
23. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII –XV веках. Л., 1966. С. 196. (Petrushevsky I.P. Islam in Iran in the VII –XV centuries. L., 1966. p. 196.)
24. Маварди. Книга казия: В 2 т. Багдад, 1973. Т. 2. С. 234–235. (Mawardi. The Book of Qazi: In 2 volumes Baghdad, 1973. Vol. 2. pp. 234-235.)
25. Халқ сўзи, 2021 йил 20 январь, №13 (7793)
26. Блок, М. Апология истории или ремесло историка. – М.: Наука, 1986. С. 234. (Blok, M. The Apology of History or the craft of a historian, Moscow: Nauka Publ., 1986, p. 234.)
27. Зокиров Ш. И. Становление и развитие института мухтасиб в истории средневековой государственности // Журнал юридических исследований. 2020. №. 4. С. 5-11. URL:<https://naukaru.ru/ru/nauka/article/41857/view> дата обращения: 06.01.2025. (Zokirov SH. I. The formation and development of the Muhtasib institute in the history of medieval statehood // Journal of Legal Studies. 2020. No. 4. pp. 5-11. URL:<https://naukaru.ru/ru/nauka/article/41857/view> date of request: 06.01.2025)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 2/3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 2/3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 2/3

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000